КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 151 (7291). ● 8 август, 1980 йил ● ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

ТАШАББУС ҚИММАТИ

ТОПШИРИЛГАН иш учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб, садоқат, ғайрат, шижоат билан, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш — совет кишиларига хос амойиб фазилатдир. Улуғвор беш йиллигимиз ҳар бир соҳада муваффақиятли якунланаётган, ҳамма ерда КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилган айни кунларда бу фазилат жуда кўплаб касб эгаларн, бойлик яратувчи азаматларнинг кундалик фаолияти, иши, меҳнати мазмунини белгилаб бермоқда. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида эришилаётган натижалар ҳам буни яққол кўрсатиб турипти. Саноат, қурилиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча салмоқли, залворли ютуқлар қўлга киритилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларидан самарадорлик билан фойдаланиш, белгиланган ғалла ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлашда ҳам ташаббускорларнинг ибрати, тажрибаси кўл келмоқда. Уларнинг прогрессив иш усуллари кенг оммалашмоқда.

Областимизда бу соҳада катта ишлар амалга оширилаётир. Область партия комитети томонидан ҳар йили бир группа илғор пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, сабзаворкорларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаш ажойиб анъанага айланиб қолди. Область партия комитети қарори асосида район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ватанпарварлик ҳаракатини авж олдириш юзасидан бир қатор ибратли тадбирларни жорий этмоқдалар.

Эл иши учун астойдил жон куйдириб, қайғурадиган, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхши, унумли меҳнат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб биладиган ташаббускорлар қишлоқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Зотан, ташаббускор бўлиш — ҳамиша олдинги сафда юриш, келажакни кўзлаб иш қилиш, қийинчиликларни, ақл-идрок, тадбиркорлик билан енгиб, бошқаларни ҳам улкан ишларга руҳлантира билиш демакдир.

Ташаббускор бўлиш — ўз устида ишлаш, тажрибаси, билимини бойитиш тўғрисида тинмай қайғуриш, изланиш, бошқаларга ҳам ўз тажрибасини қунт ва ихлос билан ўргатиш демакдир.

Чиноз районидаги Киров номли колхозидан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозидан Хабил Тўрахўжаев, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базасидан сут соғувчи-оператор Анастасия Чудная, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозидан моҳир чўпон Тонготар Пертоев, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан илғор сут соғувчи Турғуной Серикбоева, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан уста маккажўхорикор Абдурасул Эрназаров... Булар ўз ишининг мириштарлари бўлган ажойиб фазилатли ташкилотчилар. Ана шулардан бири, Бўка районидаги Ҳамза номли колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони таниқли пахта устаси Саодат Гулаҳмедованинг гапларига қулоқ солинг.

— Ташаббускор бўлиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ишдир. Эл ишончини оқлаш, осон эмас. Бунинг учун вақтдан тўғри фойдалана билиш, имкониятларни, резервларни яхши чамалаш, энг муҳими ҳар бир коллективда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, меҳрибонлик, бир-бирига ғамхўрлик вазнятини вужудга келтириш керак. Биз ўз фаолиятимизда ана шунга амал қилмоқдамиз. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили гектаридан 50—55 центнердан ҳосил олмоқдамиз. Бу йилги ишимиз ҳам чакки эмас. Ҳозирги пайтда ҳар туп ғўзамизда 12—13 тадан кўсак бор. Августда янада астойдил ишлаймиз. Ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттирамиз. Ҳар гектаридан 57 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан эммага олинган мажбуриятимизни сўзсиз бажариш учун мустаҳкам замин яратамиз.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, ташаббускор сабзаворкор ўртоқ А. Эгамназаров бошлиқ коллектив эса ҳозирнинг ўзидаёқ ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Бригадада ҳар гектаридан 22,15 тоннадан картошка, 340 центнердан карам ҳосили йиғиб олинди. Айни кунларда кечки экинларни парваришга қилиш қизғин бормоқда. Эгамназаров бригадаси бир йилда икки йиллик план миқдорида сабзавот етиштириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятнини муваффақиятли бажариш учун курашаётир.

Шуни унутмаслик керакки, ташаббускорлар бошлаган ишнинг муваффақиятли якуни, улар белгилаган ўй-режаларнинг тўла-тўкис рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан партия, совет, касаба союз ташкилотларнинг амалий ёрдами, хўжалик раҳбарларнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. «Ҳар қандай ташаббус, — дейди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — аввало ички кучларга, фойдаланилмаётган резервларга таянши лозим. Ташаббуснинг асосий қиммати ҳам шунда».

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, шунингдек хўжаликларнинг раҳбарлари ўз фаолиятларида партиямизнинг бу кўрсатмасига доимо амал қилишлари керак. Колхоз ва совхозларда ташаббускорлар билан оддий колхозчиларнинг учрашувлари ташкил этилса, улар кўпчиликка ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб берсалар, қандай яхши! Илғорлар тажрибасини умумхалқ мулкига айлантиришда оммавий пропаганда, ахборот воситалари хизматидан ҳам самарали фойдаланиш керак. Район радиосида ташаббускорлар суҳбатини тез-тез ташкил этиш лозим. Маҳаллий газета саҳифаларида «Ташаббускорлар ҳақида ҳикоялар», «Ташаббускорлар изидан», «Ташаббускорлар даласида» рубрикалари остида берилаётган материалларни кўпайтириш талаб этилади.

Афсуски, айрим раҳбарлар бу масалага кўнгилдагидек эътибор бермаяптилар. Баъзи бир хўжаликларда ташаббускорлар, мўл ҳосил усталари ҳақида фахрланиб сўзлайдилару, лекин уларнинг ишини янада жонлантириш, тажрибаларини кенг ёйиш тўғрисида қайғурилмайди.

Бу йил пахтакорларимиз, чорвадорларимиз ва бошқа касб эгалари олдида юксак ва масъулиятли вазифалар турипти. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Бунинг учун ҳар бир район, колхоз ва совхозда ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этишимиз лозим. Оммавий-сиёсий ишларнинг мазмуни ва мо-ҳиятн эммага олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига йўналтирилиши керак. КПСС XXVI съездини халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олиш учун янада активлик ва ташаббускорлик билан меҳнат қилайлик!

ЗАРБДОР ВАХТАДА



Адирлар қўйнида «оқ олтин» ундираётган Бекобод район пахтакорлари КПСС XXVI съезди шарафига авж олган социалистик мусобақага қўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Район хўжаликларида ғўза парваришн жадал суръатларда олиб борилмоқда, ҳосил теримига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрилаётир. Съезд олди зарбдор меҳнат вахтасида турган пахтакор ва механизаторлар далаларда юксак мажбуриятларга яраша «оқ олтин» етиштирилиши учун шу кунларда ҳам ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғоришни қизғин давом эттиришмоқда. Суратларда: Дзержинский номли колхознинг бригада бошлиғи Ф. Нарзуллаев ва механизатор С. Назимов; Мавлонов номли совхоз 6-бўлими бошқарувчиси С. Қўзибоев, бригада бошлиғи Н. Рисбоев ва механизатор Э. Сулаймоновлар ғўза ҳосилини кўздан кечиришяпти.

А. Мальцев фотолари.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● ҲАММА ЕРДА ИШНИ ҚАРДОШ ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК.

● ДАЛАЛАРНИ, АГРЕГАТЛАРНИ МАШИНА ТЕРИМИГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНГ. ҚАТОР ОРАЛАРИНИ БЕГОНА ЎТ БОСИШИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

● АЙНИ КУНЛАРДА ҒЎЗАНИНГ СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБИ КУЧЛИДИР. ҲАР ТУП ҒЎЗА СУВГА ҚОНСИН, ЭКИН ЧАНҚАБ ҚОЛМАСИН.

● АГРОНОМ — ЭНТИМОЛОГЛАРНИНГ ИШИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИНГ, ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШНИ СИРА БЎШАШТИРМАНГ.

● КУЛЬТИВАЦИЯНИ ПАХТА ПИШИБ ЕТИЛГУНЧА ДАВОМ ЭТТИРИНГ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга мева, сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 августгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Республика кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Фарғона области;

Тошкент областидаги **ихтисослаштирилган Калинин райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ Халилов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Кудряшов). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 64,5 процент, картошка — 100,3 процент, ҳўл мева — 100,1 процент бажарган, июль ойида сабзавотнинг йиллик планга нисбатан 21 процент, картошканинг — 76, ҳўл меванинг 49,9 процент кўпайишини таъминлаган.

Республика кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қашқадарё области, Бухоро областининг **Шофиркон райони**, Хоразм областининг **Хива райони, Андижон** ишлаб чиқариш аграр бирлашмасининг **Энгельс номли ихтисослаштирилган совхози, Наманган** ишлаб чиқариш аграр бирлашмасига қарашли «Бухоро» ихтисослаштирилган совхози, Сурхондарё область **Гагарин районидаги «Янгиобод»** совхози, Қорақалпоғистон АССР **Тўрткўл районидаги Энгельс номли колхоз, Жиззах** область **Жиззах районидаги «Москва» колхози.**

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ем-хашак жамғариш бўйича районлар, совхоз ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 августгача бўлган якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия ко-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

МУСОБАҚА — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон коммунистик партияси миллий кенгашининг бош секретари Чандра Ражешвара Рао 7 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин ва О. У. Салимов меҳмонга ўлкада совет ҳокимиятининг барпо этилаши тўғрисида, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятлар ҳақида, республика меҳнаткашларининг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаб бердилар.

Суҳбатда Ч. Р. Раонинг мамлакат бўйлаб сафарида унга ҳамроҳлик қилаётган КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг масъул ходими Б. И. Клюев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов иштирок этдилар.

* * *

Ч. Ражешвара Рао шу куни В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрди. У Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари выставкасининг экспозицияларини, Тошкентнинг янги қурилишларини ва диққатга сазовор жойларини ҳам кўздан кечирди.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

Қардош Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси вакиллари пойтахт областимиз пахтакорлари иши билан танишишни давом эттиришяпти. Улар яна бир неча районларда бўлдилар. Меҳмонлар Галаба районн колхоз ва совхозларида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлигини мамнуният билан қайд этишди. Район меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида оширилган социалистик мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Улар ваъдага вафо қилиш учун пахтазорларда фидокорона меҳнат қилаётирлар. Ғўза ҳосилига ҳосил қўшиляпти, пахта теримига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Озарбайжонликлар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорларининг бой тажрибаси ва маҳоратларига юксак баҳо беришди. Хўжаликда кенг қулоч ёзган социалистик мусобақада Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Энвер Алиев ва Абдусаттор Сулаймоновлар бошлиқ звеновлар коллективлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда теримга тайёргарликни кучайтириб юборганлар. Механизаторлар ҳозиргача ғўза қатор ораларига олти-етти марта ишлов бердилар. Пахта далаларига тўртинчи сув тараш давом этяпти. Ҳар туп ғўзада 8—9 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинган. Энвер Алиев ва Абдусаттор Сулаймонов меҳмонларга мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларни гапириб бердилар.

Райондаги «Ленинград» колхозида пахтачиликни механизациялашда катта тажриба тўпланган. Мусобақадошлар колхоз машина-трактор парки, диспетчерлик хизмати билан танишишди. Дала ишларининг юксак механизациялаштирилганлиги, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мўл ва арзон ҳосил етиштириш имконини бермоқда.

Мусобақадошлар Димитров номли колхозининг алмашлаб экишни жорий этиш соҳасидаги тажрибалари билан ҳам қизиқиб танишишди. Алмашлаб экишни кенг жорий қилиш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил етиштириш гарови бўлмоқда.

Ўзаро текшириш бригадаси райондаги «Москва» колхози ва бошқа хўжаликларда ҳам олинган мажбуриятларга яраша мўл ҳосил етиштирилаётганлигини қайд этишди.

Озарбайжонлик дўстлар Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ районларидаги колхоз ва совхозларда ҳам бўлиб, социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширишди. Улар областимиз пахтакорларининг мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини ўрганишди, ўз вақтида улар пахтакорларимизга ғўза парваришини кучайтириш борасида қимматли маслаҳатлар ҳам бердилар. Улар айрим хўжаликларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғоришда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлаб, уларни бартараф этиш учун нималар қилиш кераклигини кўрсатиб бердилар.

В. ДАМИНОВ.

ҒАЙРАТ ҚИЛИНГ, ЧОРВАДОРЛАР

Область қишлоқ меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотларн етиштириш ва давлатга сотиш суръатларини ошириб бораётирлар. Улар ўнинчи беш йиллик якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, йил бошидан бери 28.013 тонна гўшт, 99.647 тонна сут, 194.933 минг дона тухум тайёрлашди.

Областда барча турдаги чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди. Давлатга гўшт сотиш 4669 тоннага, сут — 12.215 тоннага, тухум — 32.496 минг донага ортди. Мусобақадош районлар ўртасида давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш суръатларининг ўсиши 1980 йилнинг 1 августгача қуйидагича бўлди:

Мусобақадош районлар	Гўшт		Сут		Тухум	
	1979 йилга нисбатан процент ҳисобида	эгалланган ўрни	1979 йилга нисбатан процент ҳисобида	эгалланган ўрни	1979 йилга нисбатан процент ҳисобида	эгалланган ўрни
Оққўрғон	120	5	110	11	132,2	2
Бўка	121	4	116	6	122,2	8
Оҳангарон	104	9	127	1	128,3	4
Тошкент	120	5	125	3	122,4	7
Бекобод	121	4	115	7	122,2	8
Пискент	121	4	118	5	132	3
Чиноз	116	6	108	12	120	12
Галаба	145	1	114	8	134,2	1
Коммунистик	120	5	103	14	121,1	11
Калинин	136	2	126	2	121,2	10
Паркент	126	3	111	10	125	6
Оржоникидзе	109	8	116	6	115,5	13
Бўстонлиқ	109	8	107	13	67,1	14
Ўрта Чирчиқ	120	5	119	4	126,8	5
Янгийўл	110	7	112	9	122,1	9

Колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналарнинг 7 ойлик иш якуни областда гўшт, сут ва тухум тайёрлаш бўйича ўсиш суръатлари умуман тадбирларда белгиланган даражада бораётганлигини кўрсатяпти.

Бир неча районлар эса гўшт тайёрлашда бу даражадан ҳам илгарилаб кетди. Жумладан, Ғалаба районида давлатга гўшт сотишда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45, Паркент районида — 38 ва Калинин районида 26 процент ўсиш эришилди. Шунингдек, Бўка, Пискент ва Бекобод районларида ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди.

Аммо, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Оҳангарон районларида давлатга гўшт сотиш суръатлари ҳали ҳам пастдир. Оҳангарон районида гўшт тайёрлаш ўтган йилги даражадан бирозгина ортди, холос. Ўсиш суръатлари эса тадбирларда белгиланганидан 46,3 процент камдир.

Оҳангарон, Тошкент ва Калинин районларида сут тайёрлаш сезиларли даражада ўсди. Бу районлар чорвадорлари тадбирларда белгиланган йиллик ўсиш суръатларидан ҳам ўзиб кетдилар. Шу билан бирга-ликда айрим районлар қолоқликка йўл қўйишмоқда. Баъзи район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозлар, чорвачилик комплекслари ва фермалар, парандачилик фабрикалари раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш маяпти. Натижада сут етиштиришнинг ўсиш суръатлари паст бўлиб қолмоқда. Айниқса, Коммунистик, Бўстонлиқ ва Чиноз районлари қолоқликка йўл қўймоқдалар.

Бўстонлиқ, Оржоникидзе ва Ўрта Чирчиқ районлари паррандачилик фабрикалари ва хўжаликлари ҳам ишни яхшилашлари зарур. Бу районларда сўнгги ойда давлатга тухум топшириш суръатлари камайиб кетди.

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ЛЕНИНЧА ТАНТАНАСИ

ИЖОДИЙ марксизм ғоявий бойликларидан бири бўлган «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган асарини В. И. Ленин бундан етмиш беш йил муқаддам, яъни 1905 йилнинг июнь—июль ойларида ёзиб тамомлаган эди.

В. И. Ленин бу асарида биринчи рус революцияси ўз характери ва мазмуни жиҳатидан буржуа-демократик революция эканлигини ҳар томонлама чуқур асослаб берди. Бу империализм даврининг биринчи халқ революцияси бўлди, бу революция жаҳон тарихининг янги даври, сиёсий ларзалар ва революцион жанглар даври бошланганлигини кўрсатди. Биринчи рус революцияси мағлубиятга учраган бўлса ҳам, самодержавиега, помешчиклар ва капиталистлар ҳукмронлигига кучли зарба берди, синфий кураш тарихига ёркин саҳифа ёзди. В. И. Ленин ифодаси билан айтганда, «1905 йилги «бош репетиция» бўлмаганида, 1917 йил Октябрь революциясининг ғалабаси мумкин бўлмас эди».

1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясининг демократик — ҳаётий кучи шунда эдики, у мамлакатдаги барча синфларни ҳаракатга келтирди. В. И. Ленин ўз асарида биринчи рус революциясининг ўзига хос характери ва мазмуни жиҳатидан буржуа-демократик революцияси эканлигини таъкидлаб, пролетариат буржуа демократик революциясининг, шу жумладан ҳар қандай халқ революциясининг йўлбошчиси ва гегемони бўлиши мумкин ва лозим, деган асосий тактик қоидани ҳар тарафлама ривожлантирди.

Владимир Ильич пролетариат буржуа-демократик революциясининг узил-кесил ғалабасидан тўла манфаатдор эканлигини, чунки у, ана шу ғалаба орқали демократик республика тузиши ва империалистик буржуазияга қарши курашиши ҳамда социализмга эриша олиши мумкинлигини исботлади. Шуни назарда тутиб, маълум маънода айтганда, буржуа революцияси буржуазиядан кўра пролетариат учун фойдалироқ, деб ёзди у.

Владимир Ильич ўзининг бу асарида пролетариат билан деҳқонлар ўртасида революцион иттифоқ тузиш зарурлиги ҳақидаги тактик қоидани ҳам чуқур асослаб берди. Ленин пролетариат билан деҳқонлар ўртасидаги революцион иттифоқни революциянинг ғалаба қозонишидаги асосий шарт ва бош омиллардан бири, деб ҳисоблади.

В. И. Ленин шу оммани қўзғолонга олиб бориш ва уни умумхалқ қўзғолонига айлантириш учун мазкур қўзғолоннинг тўла ғалабасини таъмин этадиган сиёсий шиорлар ташлаш ва оммага шу тарздаги чақириқлар билан мурожаат қилиш зарур, деб таъкидлади. Ленин, ўз асарида бундай шиорлар қаторига: умумий, оммавий-сиёсий стачкалар ташкил этиш, дарҳол революцион йўл билан 8 соатлик иш кунини жорий этиш ва қишлоқда помещчик ерларини мусодара қилиш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, шунингдек, ишчиларни қуроллантириш билан революцион армия тузиш кабилар киради, деб таълим берди.

Ана шу янги тактика асосида аввало шаҳарларда революцион-стачка комитетлари ва қишлоқларда революцион деҳқон комитетлари вужудга келди. Булар ўз навбатида ишчи депутатлари Советлари билан деҳқон депутатлари Советларининг вужудга келишига олиб келди. В. И. Ленин бошлиқ большевиклар биринчи рус революцияси оловларида вужудга келган Советларни ишчилар синфининг дунёда мисли кўрилмаган, оммавий-сиёсий ташкилоти, деб ҳисобладилар. Шунинг учун ҳам улар ишчи депутатлари Советларига жиддий аҳамият бериб, уни раҳбарлик қилувчи қўзғолон органлари ва революцион ҳокимиятнинг бошланғич куртаги, деб ҳисобладилар.

Дарҳақиқат, 1905 йилда пайдо бўлган Советлар 1917 йилда Коммунистик партия раҳбарлигида ўрнатилган ССРнинг тарихий тажрибаси Ленинининг чинакам халқ ҳокимияти энг оммавий органлари, чинакам демократиянинг ифодаси бўлган Советлар тўғрисидаги таълимотининг ҳаётий кучини тўла-тўкис ва батамом тасдиқлади.

В. И. Ленин ўзининг «Икки тактика» асарида ғалибона қўзғолон натижасида чор ҳукумати ағдарилиб, унинг ўрнига муваққат революцион ҳукумат барпо қилинади, деб таълим берди. У, революциянинг чоризм устидан қозонган қатъий ғалабаси — пролетариат билан деҳқонларнинг революцион диктатураси демакдир, деб уқтирди. Бу диктатура ҳақиқатда Муваққат революцион ҳукумат вазифасини бажарувчи, яъни Россия социал-демократик ишчилар партиясининг программа минимумини амалга оширувчи ва контрреволюция қаршилигини бостиришга қодир бўлган пролетариат билан деҳқонларнинг Муваққат революцион диктатураси бўлмоғи керак эди. Ленин, меньшевикларнинг пролетариат манфаатларига бутунлай зид бўлган оппортунистик қарашларини фош қилиб, социал-демократлар қуролли қўзғолонга бош бўлгани ҳолда революцияни охирига етказиши керак. Пролетариат буржуазиянинг қаршилигини куч билан синдириш, деҳқонларнинг ва майда буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун аҳолининг ярим пролетар оммасини ўз ёнига олиб, социалистик ўзгариш қилмоғи лозим».

Улуғ Ленининг «Демократик революцияда социал демократиянинг икки тактикаси» номли асари чиққан вақтдан бўён етмиш беш йил ўтди. Асар марксизм хазинасига қўшилган катта ғоявий бойлик бўлиб, Коммунистик партияни сиёсий жиҳатдан революцияга тайёрлади. Асарда баён қилинган революцион стратегия ва тактика ҳақидаги ленинча таълимот КПСС съездлари, шунингдек халқаро коммунистик ва ишчи партиялари конгрессларида қабул қилган тарихий ҳужжатларда янада ривожлантирилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бутун шонли тарихи, унинг мамлакатимизда пролетариат диктатураси ўрнатиш, социализм ва коммунизм қуриш соҳасидаги тарихий тажрибаси, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида эришилаётган муваффақиятлар — буларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизм таълимотининг улуғворлигини, равшан кўрсатмоқда.

Ўтаётган ҳар бир йил «Большевизм ҳамма учун тактика намунаси бўла олади» деган ленинча илмий башоратни янги-янги далиллар билан тасдиқламоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг доценти.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

ШУ кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ ҳаракати кенг авж олиб кетди.

Совет халқи ана шу улкан партиявий анжуманга яраша янги-янги улкан зафарларни қозониш учун астойдил меҳнат қилиб, кўплаб ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқда. Барча меҳнаткашлар партиямиз Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан, 1980 йилда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида рекорд кўрсаткичларни қўлга киритишга астойдил бел боғлаганлар.

Пойтахт областимиз ва Тошкент шаҳри саноатининг ҳодимлари съездолди мусобақасини кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш бўйича етти ойлик планни муддатидан илгари бажариб, июль ойи охирига ча пландан ташқари ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганликлари бунинг яққол далилидир.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам шу кунларда пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриб, ҳамма меҳнат ва техника ресурсларини мавсумга шай қилиб қўймоқдалар.

Шу муносабат билан партия ташкилотлари бутун оммавий-сиёсий ишларни хўжалик фаолиятини янада такомиллаштиришга, кишиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишга қаратишлари, КПСС XXVI съездида белгиланган марраларга эришишни идеологик жиҳатдан таъминлаш учун бутун билим ва тажрибаларини ишга солишлари даркор.

Август ойида агитация кадрлари учун навбатдаги семинар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги мақолалардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Ленин партияси XXVI съезд сари бормоқда (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 3—8-бетлар).

Партия XXVI съездини муносиб кутиб олайлик («Коммунист», 10-сон, 11—20-бетлар).

Ленинча тинчлик йўлидан («Ўзбекистон агитатори», 13-сон, 16—28-бетлар).

Август ойида суҳбатлар ўтказишда қуйидаги материаллардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ленин ғояларининг сўнмас аҳамияти («Коммунист», 10-сон, 70—81-бетлар).

КПССнинг кадрлар сиёсати амалда (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 14—22-бетлар).

Тарбия ишига комплекс ёндошайлик («Ўзбекистон коммунисти», 7-сон, 11—18-бетлар).

Катта мақсадлар катта куч-ғайратни уйғотади («Агитатор», 13-сон, 20—24-бетлар).

Совет демократияси амалда («Ўзбекистон агитатори», 13-сон, 2—4-бетлар).

Ленинча халқлар дўстлигининг ажойиб самаралари («Коммунист», 10-сон, 21—33-бетлар).

Биз ва ёр юзи («Агитатор», 14-сон, 34—35-бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Партия ташкилотлари ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш («Партийная жизнь», 14-сон, 23—30-бетлар).

Кўпроқ ишлаб чиқарайлик, яхшироқ фойдаланайлик («Агитатор», 13-сон, 32-бет).

Бизнинг ризқ-рўзимиз («Ўзбекистон агитатори», 13-сон, 5—7-бетлар).

Сифатли меҳнатдан — сифатли маҳсулотга («Советские профсоюзы», 12-сон, 8—9-бетлар).

Чорвачиликни жадал ривожлантирайлик («Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 6-сон, 2—5-бетлар).

Иқтисодий кенгаш тавсияларига мувофиқ («Экономика и жизнь», 6-сон, 56—57-бетлар).

МАДАНИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ғоявий тарбияни такомиллаштириб («Партийная жизнь», 13-сон, 17—23-бетлар).

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялаш тўғрисидаги ленинча ғояларнинг тантанаси («Ўзбекистон коммунисти», 7-сон, 33—38-бетлар).

Ильич сафдошлари («Агитатор», 13-сон, 33—35-бетлар).

Космонавтика — халқ хўжалигига («Коммунист», 10-сон, 48—59-бетлар).

Меҳнатдаги ҳамкорлик («Агитатор», 14-сон, 36—38-бетлар).

Абадий ёдгорлик («Наука и религия», 6-сон, 39—42-бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Л. И. Брежневнинг «Правда» редакцияси саволларига жавоблари (республика, область газеталари, 1-август).

АҚШ империализми тараққиёт ва халқлар эркинлигининг бош душманидир («Коммунист», 10-сон, 94—105-бетлар, «Партийная жизнь», 13-сон, 70—74-бетлар).

«Ифлос ишлар» маҳкамаси («Агитатор», 13-сон, 42—43-бетлар).

Хельсинки кенгашидан буён ўтган йиллар («Агитатор», 14-сон, 42—44-бетлар).

Тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб («Проблеми мира и социализма», 7-сон, 3—4-бетлар).

Социализм ва Европада тинчлик («Международная жизнь», 7-сон, 3—13-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбатга, сиёсий аҳборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар, мисоллар ва рақамлардан албатта фойдаланишни тавсия қиламиз.



В. И. ЛЕНИН номли Ўзбекистон металлургия заводининг пешқадам ишчилари В. Сошников ва Ш. Қўзибоев вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Бу зарбдорлар прокат цехидаги шахсий меҳнат беллашувининг олдинги сафида боришмоқда. Шунингдек, улар корхонада моҳир мураббий сифатида ҳам танилишган. Уларнинг ўнлаб шогирдлари ўзлари билан ёнма-ён зарбдорчасига ишлашмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЛУБКОРЛАР БУЮРТМАСИ МУДДАТИДА БАЖАРИЛСИН

НАЗОРАТ постининг «Лубкорлар орзиқиб кутаётган машина» сарлавҳали биринчи корреспонденцияси шу йилнинг 7 июнида босилган эди. Унда область лубкорларининг қаноп уруғини янчиш машиналарига нисбатан эҳтиёжи жуда катта эканлиги ҳақида сўз юритилганди. «Узбексельмаш» бирлашмаси коллективига қисқа муддатларда — бу йилги қаноп йиғим-теримни ишлари бошланишигача МКФ-6 маркали 60 та қаноп янчиш машиналари ишлаб чиқариш вазифаси юклатилган эди.

БИРИНЧИ корреспонденция эълон қилинганидан бери ўтган вақт ичида анчагина ишлар амалга оширилди. Шуни эслатиш керакки, пахтачилик учун машиналар бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросида эксперимental йўл билан йиғилган ва яратилган икки янчиш машинасининг бири бирлашмага 4 июнда келтирилди, холос. Шундан кейингина ўзбексельмашчилар ўзлари ишлаб чиқаришлари лозим бўлган машинани кўришга муваффақ бўлдилар. Бу агрегат ўз ўлчамлари жиҳатидан ҳозирги вақтда бирлашмада ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай машинадан анча катта, мураккабдир.

Янги янчиш машинаси қандай яратилади?

Бу агрегат ҳозирги вақтда барча замонавий машиналар каби турли-туман мосламалар, штамплар, техника оснасткалари ёрдамида яратилмоқда. Янчиш машинасининг 759 та махсус деталлари бор. Умуман, унинг барча деталлари 4 минг хилга яқинлашади. Фақатгина махсус деталларни ишлаб чиқариш учун минг донага яқин турли хил мосламалар, техник оснасткалар тайёрлаш лозим бўлади.

Масалан, барабаннинг бир детали — доира шаклидаги тешикчалари бўлган пўлат тахтасини олиб кўрайлик. Бу тешикчалар бир-бири билан кўндаланг ўйилган пиниялар билан бирлашади, сўнгра у цилиндр шаклига келтирилади. Бу детални прессда штамп ёрдамида бажариш жуда осон. Узбексельмашчилар худди шу детални ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни тайёрлаш бўйича «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига буюртма беришга уриниб кўрдилар. Лекин бирлашмадагилар, бу муҳим буюртма кам деганда бир йил давомида бажарилиши мумкин, деб айтишди. Қаноп янчиш машиналари ишлаб чиқариш учун замонавий технологияга асосланган поток линиясини яратиш учун эса бундан ҳам кўпроқ вақт керак бўлади. Бундай линия мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда ками билан 2 миллион сўм маблағ сарфлашни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам бошқа йўл тутилди. Унча кўп бўлмаган қаноп янчиш машиналарини ишлаб чиқариш учун улкан ва қимматли комплекс яратишдан воз кечилди, янги машина учун деталларни иложи борича тезроқ тайёрлаш маъқул деб топилди. Чунки, бундай янчиш машиналари бу йилги йиғим-терим мавсумигача тайёрланиши керак.

Машинанинг махсус деталларини анча унумсиз бўлган универсал усул билан тайёрлашга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси кўп миқдорда меҳнат ва вақт сарфлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам табиийки, бундай деталлар ва умуман қаноп янчиш машинаси поток линиясида тайёрланганига нисбатан анча қимматга тушади.

«Узбексельмаш» бирлашмасида махсус ташкил этилган комплекс бригада қисқа муддат ичида янчиш машинаси узеллари ва деталларини тайёрлаш учун технологик маршрутлар йўкламасини ишлаб чиқди. Икки томлик бу технологик ҳужжатда деталлар қандай тайёрланиши баён этилади. Узбексельмашчилар ана шунга амал қилиб, 1 августгача махсус деталларнинг асосий кўпчилигини — қуймаларнинг 80 процентини, темирчилик-пресслаш ва пайвандлаш жараёнларидан ўтган шунча миқдордаги деталларни ишлаб чиқардилар.

Тайёр қуйилмалар ва деталларга кейинги механик ишлов бериш иши кўнгилдагидек бўлмаяпти. «Узбексельмаш» бирлашмасида жами ишларни белгиланган муддатгача амалга ошириш учун на ишчи кучи, на қувватлар етишади. Шуни таъкидлаш керакки, бирлашмада асосий программа ҳисобланган кўрак чувиш агрегатлари, тупроққа гербицидлар солиш мосламалари, сеялкалар ва бошқа шу каби махсулотларни тайёрлаш бирон дона ҳам камайтирилгани йўқ. Узбексельмашчилар 48 хил деталга механик ишлов беришда ёрдам сўраб областдаги бошқа машинасозлик коллективларига мурожаат қилдилар.

Тошкент асбобсозлик, Чирчиқ трансформатор заводлари ва бошқа айрим корхоналар коллективлари ўзбексельмашчиларнинг илтимосига ижобий муносабатда бўлишди. Улар ҳаммаси бўлиб 12 хил деталга ишлов беришни ўз зиммаларига олдилар. Шуниси аҳамиятлики, «Узбексельмаш» бирлашмаси ўз қарамоғида бўлган «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналари деталларга механик ишлов бериш бўйича ёрдам кўрсатишни лозим топмадилар. Ваҳоланки, ўзбексельмашчилар уларнинг ёрдамига ишонишган эди. Ана шундай бир шароитда қолган барча ишларни ўзлари амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар.

«Узбексельмаш» буюртмаларига шундай локайдлик билан муносабатда бўлиш республикамиздаги бошқа корхоналарда ҳам содир бўлмоқда. Ваҳоланки, бундай узел ва деталлар шу корхоналарда бошқа машиналар учун поток усулида ишлаб чиқарилмоқда ва улар қаноп янчиш машинасида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Бошқа министрликлар ва идоралар заводлари тошкентликларнинг илтимосини қондириш иложини топганликлари ҳақида яхши мисоллар келтириш ҳам мумкин. Масалан, Киевдаги «Большевик» заводи қаноп янчиш машиналари учун зарур редукторларни яратдилар ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Лекин «Узбексельмаш» бирлашмаси бўйсунадиган тармоқдаги корхоналар— СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналари турли хил асоссиз баҳоналарни топиб, ўзларида поток усулда ишлаб чиқарилаётган айрим узеллар ва деталлар етказиб беришни пайсалга солмоқдалар. Министрлик раҳбарларининг кўрсатмаларини амалга оширмаётган «Бежецксельмаш», «Лидсельмаш», «Белинсельмаш», Днепропетровск комбайн заводлари ва бирлашмалари шулар жумласидандир. «Рязсельмаш» заводи раҳбарлари эса саккиз турдаги деталнинг уч хилини етказиб беришни ҳамон орқага сурмоқдалар.

«Узбексельмаш» бирлашмасида қаноп янчиш машинасини яратиш бўйича шу кунларда қилинаётган ғайратшижоатга тўла меҳнат юксак мақтовга сазовордир. Бирлашма ходимлари иш вақти билан ҳисоблашмасдан кўпинча оғир меҳнат шароитларида ҳам фидокорона ишламоқдалар.

Бирлашма бош пайвандчиси А. В. Волков янчиш машинаси рамаларини йиғиш ва пайвандлашда бутун бўлими ходимлари билан иштирок этмоқда. Механизация цехининг бошлиғи М. Н. Кричко, асбобсозлик цехининг технологи В. Чумаченко, темирчилик-пресслаш цехининг бошлиғи И. Х. Жўраев ва цех техника бюроси бошлиғи С. М. Доценко раҳбарлигидаги мутахассислар группалари ҳам чарчаш нималигини билмай ишламоқдалар. Бош технолог ўринбосари Е. И. Дубин, бош инженер ўринбосари Ю. Б. Бибиковлар қилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир.

Қаноп янчиш машинасини тайёрлаш бўйича топшириқларни бажаришда фидокорона меҳнат қилаётган яна ўнлаб ишчи ва хизматчиларни келтириш мумкин. Айниқса, йиғувни тўла амалга ошириш ва узелларни ҳамда бутун янчиш машинасини топшириш учун масъулиятли бўлган мутахассисларнинг вазифаси мураккабдир. Экспериментал цехнинг раҳбари В. Файнблут, мастер Л. Зайцевлар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишламоқдалар.

Экспериментал цехида бешта рама монтаж қилинди ва ғилдиракларга ўрнатилди. Қаноп янчиш машинасини яратишда иштирок этаётган ўзбексельмашчилар август графиги бўйича аниқ ишламоқдалар. Улар ой охиригача янчиш машиналарининг дастлабки партиясини лубкорларга етказиб беришмоқчи!..

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ «УЗБЕКСЕЛЬМАШ»ДАГИ НАЗОРАТ ПОСТИ

В. ЛОМОВЦЕВ,
«Ташкентская правда»нинг махсус мухбири.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Шу муносабат билан қаноп янчиш машинаси нархини белгилаш масаласи кўндаланг бўлиб турипти. Ҳайрон қоларлиси шундаки, бу нарх ҳамон аниқ белгиланганича йўқ. Буюртмачилар — республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси оғир универсал усул билан тайёрланаётганлигини ҳисобга олиб, қаноп янчиш машинасининг муваққат улгуржи нархини тасдиқлашга шошишлари керак. Бу масалани орқага суриш янги янчиш машинаси яратиш йўлида катта ғов бўлиб қолиши мумкин.

«Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ўз навбатида «Узбексельмаш» бирлашмасига ёрдам кўрсатишни кучайтириши лозим. Бу ёрдам корхона буюртмаларини ўзига қарашли заводларда, шунингдек, ўзи қарамоғида бўлган министрлик корхоналарида барвақт ишлаб чиқариш учун буюртмалар беришдан иборат. «Узбексельмаш» бирлашмаси коллективи қаноп янчиш машинасини белгиланган муддатда ишлаб чиқариши учун ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги лозим.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Бошн 1-бетда).

митетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Аҳмедов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ж. Ҳайдаров, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари Р. Ниёзомов ўртоқлар) берилди. Бу районда дағал хашак жамғариш бўйича йиллик топшириқ 15,3 процент, шу жумладан сенаж — 106,1 процент, беда пичани — 22,8 процент, табиий ўтлар пичани — 74,6 процент, ўт уни тайёрлаш — 72,3 процент бажарилган ҳамда июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 7,7 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Паркент районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Паркент районидаги «Коммуна» совхозига** (директори Ҳ. Мирзакаримов, партия ташкилотининг секретари М. Шарипов, ишчилар комитетининг раиси Д. Маҳмудов, комсомол ташкилотининг секретари И. Исломов ўртоқлар) берилди. Бу совхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 81 процент, шу жумладан сенаж — 101,3 процент, беда пичани — 144,5 процент, ўт уни тайёрлаш — 43 процент бажарилган ҳамда июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 7 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Калинин районидаги «Иваново» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент районидаги Ленин номли колхозга** (раиси Г. Умаров, партия комитетининг секретари А. Умаров, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абдуллаев, комсомол комитетининг секретари Р. Қурбонов ўртоқлар) берилди. Бу колхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 83,9 процент, шу жумладан сенаж — 100,3 процент, беда пичани — 33,1 процент, табиий ўтлар пичани — 71,4 процент, ўт уни тайёрлаш — 84 процент бажарилган ҳамда июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 24,8 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига Калинин районига, Паркент районидаги «Коммуна» совхозига, Тошкент районидаги Ленин номли колхозга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ЙИРИК ТЎПЛАМЛАР

Ўзбек музика санъати тараққиёти билан боғлиқ қатор муҳим тадқиқотлар олиб бориляпти. Шуниси қувонарлики, бундай самарали изланишлар натижаларидан айримлари иттифоқ миқёсида кенг ёйилди.

Маданий меросга айланган бу хил асарларни чоп этишда Москвадаги «Музика» нашриёти яхши фаолият кўрсатмоқда. Кейинги беш йил ичида ўнга яқин тўплам, музика дарслиги ва қўлланма китобхонларга тақдим этилди.

Келгуси йил ана шу рўйхат яна бир йирик тўплам ҳисобига кенгаяди. «Ўзбекистон ССР музика маданияти» деган номда босмага тайёрланаётган мазкур мақолаларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.



САҲОБАТ Айманбекова Олмалиқ ғилам фабрикасининг пешқадам ишчиси. У КПСС XXVI съезди шарафига зиммасига оширилган мажбурият олиб, смена топшириқларини муntазам бир ярим-икки бараварга етказиб бажармоқда.

В. Сироткин фотоси.

ПАЙКАЛДАН ДАСТУРХОНГА

Эрта тонгданоқ Тошкент шаҳрига карнай-сурнай садолари остида навбатдаги қизил карвон кириб келди. Пештоқига «Қишлоқ—шаҳарга», «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз», «Ноз-неъматларимиз шаҳарликлар дастурхонига» деган алвонлар осилган бу машиналардаги маҳсулотларни Оржоникидзе район деҳқонлари етиштиришган. Шу субҳидамда биргина Олой бозори савдо дўконларига 100 тоннадан ортиқ узум, олхўри, олма, помидор, сабзи, пиёз, карам, картошка ва бошқа маҳсулотлар туширилди.

— Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг якунловчи йили деҳқонларимиз учун қувончли бўлаётир, — дейди Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси Т. Ортиқхўжаев. — Фидокорона меҳнат эвазига далаларимизда, боғ-роғларимизда мўл ва аъло сифатли маҳсулот етиштиришга эришдик. Бугунги карвонни ташкил этишда «ВЛКСМ 60 йиллиги», «Қибрай», Оржоникидзе номли, Р. Мусамуҳамедов номли совхозлар, «Правда», «Маданият»,«Қизил Ўзбекистон», «Октябрь», Ленин номли колхозларнинг катта ҳиссаси бор. Биз келгусида ҳам шаҳарликлар билан алоқамизни мустаҳкамлаймиз, ҳар куни 80—100 тоннадан маҳсулот тайёрлаб, уларга тортиқ қиламиз.

Дарҳақиқат, хўжаликларда ана шу аҳдга яраша имкониятлар мавжуд. Ҳосил чўғи мўл ва сифатли. Миришкор боғбонлар эрта баҳорданоқ эзгу ният билан иш бошлаган боғ-роғларда ёз неъматлари ғарқ пишиб етилган. Бугунги кунда боғбон ва сабзаворкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар пишиб етилган маҳсулотни тез ва сифатли йиғиштириб олиб, эл дастурхонига топширишмоқда.

Қизил карвонда келтирилган маҳсулотлар расталарга жойлаштирилиши биланоқ савдо шохобчалари ҳаридорлар билан гавжумлашиб кетди. Қалби пок, танти деҳқон яратган ноз-неъматларни шаҳарликлар зўр мамнуният билан ҳарид қила бошладилар.

А. ҲАЙДАРОВ.







ФОТО-ЛАВҲАЛАР

Тошкент райони деҳқон ва боғбонлари аҳоли дастурхони ноз-неъматларга тўкин бўлиши йилида астойдил ғайрат қилаётирлар. Шу кунларда улар савдо тармоқларига сабзавот маҳсулотлари, мева етказиб бершмоқда. Суратларда: «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг илғор сабзаворкори М. Арслонова. У помидор теришда ғайрат кўрсатяпти: академик Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-бригадаси боғларида мўл мева етиштирилди. Боғбон А. Дорожкина бу ноз-неъматларни тезроқ аҳоли дастурхонига тортиқ қилиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

С. Ҳожиев фотолари.

●

Тошканбой Темиров бу йил 50—60 центнерчилар ташаббусини бошлаб берган областимиз мўл ҳосил устаҳларидан биридир. Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозининг у бошлиқ бригадаси коллективи 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан хирмон кўтариш юзасидан олган мажбуриятларига яраша мўл ҳосил етиштирмоқда. Суратда: ташаббускор бригада бошлиғи Т. Темиров ва механизатор Ҳ. Ҳолматов.

А. Мальцев фотоси.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Ғалаба районидаги «Коммунизм» колхози лубкорлари бу йил 1470 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Шундан 570 гектар майдондан кўкпоя, 900 гектар ердан эса уруғлик каноп олинади. Айни кунларда парвариш қизғин. Экин қийғос гулга кирган. Ҳар гектарда ўртача 700 минг тупдан ортиқ нўхат бор. Гектаридан 200 центнердан кўкпоя олишга аҳд қилган лубкорлар суғориш, озиқлантириш ишларини изчил давом эттирмоқдалар.

Биринчи озиқлантиришда гектарига 90—110 килограммдан азот, 45—60 килограммдан калий ўғити солинди.

Хўжалик уруғчиликка ихтисослаштирилган. Деҳқонлар сифатли уруғ тайёрлаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, М. Мирзаев, А. Раҳматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг лубкорлари фидокорлик кўрсатмоқдалар. Улар ҳар гектаридан 3,5 центнердан уруғ олиш учун курашмоқдалар.

Н. ЎТЕГЕНОВ.

ОИЛАДА УЧ СОҒУВЧИ

Галина Орлованинг Ҳ. Олимжон номли колхоз сут-товар фермасида меҳнат қилаётганига 5 йилдан ошди. Шу давр мобайнида у ўзининг ҳалол меҳнати туфайли коллективда обрў-эътибор қозонди.

Галина ўз севимли касбига қизлари Лена ва Таняларни ҳам жалб қилди. Уларга говмушлардан мўлроқ сут соғиб олишнинг ноёб томонларини ўргатди. Ҳозир тиришқоқ қизлар ўз оналаридан қолишмай кунига ҳар бир сигирдан 8—10 литрдан сут соғиб олаяпти-лар. Г. Орлова областимизнинг илғор сут соғувчилари ташаббусига жавобан ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 16 бош сигирнинг ҳар биридан 4000 литрдан сут соғиб топширишга аҳд қилди ва «Ленинобод» колхозининг машъал сут соғувчиси З. Раҳмонова билан мусобақалашмоқда.

Шу кунларда у ваъдасига яраша меҳнат қилаётир. Моҳир соғувчи ҳар сигирдан 10—12 литрдан сут соғиб олаяпти.

А. МУСТАФОЕВ,
Оққўрғон райони.

АЖДОДЛАР ТАРИХИ УНУТИЛМАСИН

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи институти жамоатчилик асосида иш олиб боради. Шу институтга қарашли областимиз филиали кейинги пайтда жамоатчиликка таянган ҳолда хўжаликлар тарихини яратиш, колхоз-совхозлар музейлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уруш ва меҳнат ветеранлари бой тажрибасини кенг оммалаштириш соҳасида маълум ишларни амалга оширяпти. Бунда район филиаллари ҳам активлик кўрсатишяпти.

Фақат ўтган йилнинг ўзида областимизнинг учта хўжалиги тарихи ёзилди. Шу йилнинг ўзида эса Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз тарихи ёзиб чиқилди. Ҳозирги пайтда Бекобод районидаги Ленин номли, Пискент районидаги «Гулистон», Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар тарихини ўрганиш ҳамда ёзиш ниҳоясига етмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ветеранларининг хотираларини тўплаш давом этмоқда. Областимизда коллективлаштиришда актив иштирок этган ветеранлардан саккиз кишининг хотиралари «Қишлоқ хўжалик тонги» китобига киритилди.

Район филиаллари хўжаликлардаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини ҳисобга олишни бошлаб юборишган. Кўп районларда уларнинг альбомлари ташкил этиляпти.

Ҳозирги пайтда областимиз қишлоқ хўжалигида 11 минг 230 қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ветерани ҳисобга олинди. Уларнинг бой тажрибасини оммалаштириш мақсадида мураббийчилик ҳаракати авж олдириляпти. Ўтган йилнинг ўзида район филиалларининг ташаббуси билан меҳнат ветеранларининг ёш қишлоқ меҳнаткашлари билан 2611 та учрашуви ўтказилди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса ана шундай 2013 та учрашув бўлиб ўтди.

Бу соҳада Калинин, Янгийўл, Оққўрғон районлари филиаллари диққатга сазовор ишлар олиб боришяпти. Калинин районидаги филиали ташаббуси билан Свердлов номли совхозда жамоатчилик асосида Ленин музейи очилди. Музей қошида ветеранлар совети фаолият кўрсатяпти. Ана шундай ветеранлар совети Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда ҳам иш олиб бормоқда.

Жамоатчилик ташаббуси билан кейинги йилларда Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», совхози, Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникуми, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида меҳнат шон-шуҳрати музейлари ташкил этилди. Район филиаллари бу музейларни экспонатлар ва ноёб ҳужжатлар билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатишяпти.

Областимизнинг кўпгина колхоз ва совхозлари ўз хўжаликлари ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейларини нишонлаётирлар. Жумладан, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва Бекобод районидаги Ленин номли колхоз ташкил этилганлигининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Бу саналарни нишонлашда район филиаллари актив қатнашдилар.

Меҳнат ветеранлари колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришида ҳам бевосита иштирок этишяпти. Ўтган йили пахта терими мавсуми пайтида Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ветеранлари райондаги барча меҳнаткашларни етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда актив иштирок этишга даъват этишди. Уларнинг бу ташаббуси Тошкент область партия комитети бюроси томонидан маъқулланди. Ўтган йили етиштирилган ҳосилни несибуд қилмай йиғиштириб олишда кўпгина колхоз ва совхозлар меҳнат ветеранларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар бу йил ипак қурти парвариш қилишда ҳам намуна кўрсатишди. Жумладан, Бўстонлиқ районидаги меҳнат ветеранларидан А. Элтоев, С. Бердиқулов, М. Нурматов, М. Абдураҳмонов, И. Раҳимов ва бошқалар ҳар қути қурт уруғидан 70—75 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлишди.

Кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган моҳир пахтакор ва деҳқонлар ёшларга мураббийлик қилишяпти. Улардан Калинин районидан А. Шерматов, З. Юсупов, Чиноз районидан А. Исматов, А. Султонов ва бошқалар ҳар йили уч-тўрт ёш йигит-қизни ўз касбларига ўргатишяпти.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, район филиаллари ишида айрим камчиликлар учраб турипти. Кўпгина район филиалларида тадбирлар плани номига тузилади. Уларда белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетади. Район филиаллари ўз хўжаликлари тарихини яратишда янада активлик кўрсатишлари лозим.

Район филиаллари олиб бораётган ишлар катта аҳамиятга эгадир. Колхоз ва совхозлар тарихини яратиш, мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун район филиаллари фаолиятини янада кучайтириш чоралари кўрилиши керак.

О. АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти область филиалининг мудири.

ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ОБЛАСТЬ ФИЛИАЛИДА

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ОЛИМПИАДА: ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИДА

Москвадаги XXII Олимпиада ўйинлари жамоатчилик ва жаҳон матбуотининг ҳамон диққат марказида турибди.

XXII Олимпиада ўйинлари тинчлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик идеаллари ғалабасининг далили бўлди. Олимпиада ўйинлари халқларнинг ҳамкорлик ва қалин алоқаларни ривожлантиришга истаклари енгилмас эканлигини яна бир карра тасдиқлади, деб ёзади Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси. Совет Иттифоқининг пойтахти жаҳон халқлари спорт байрами халқаро Олимпиада ҳаракатининг анъаналарига мувофиқ ўтмоғи учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилди. Олимпиада жаҳон спортида жуда катта воқеа бўлди.

— Кўрганларимдан қойил қолдим, Москвада кўрганларимнинг ҳаммасини сўз билан ифода қилиб бериш қийин,— деди уч марта Олимпиада чемпиони **Теофило Стивенсон** Кубага қайтиб келгач. — Мюнхен ва Монреалдаги Олимпиада ўйинларида қатнашганман, лекин ўша Олимпиадалари Москва Олимпиадаси билан таққослаб ҳам бўлмайди. Бу фақат менинг фикримгина эмас. Мен кўпгина машҳур атлетикачилар билан суҳбатлашдим, улар ҳам худди шу фикрни билдирмоқдалар.

Москва Олимпиадасининг муваффақияти, — деб ёзади Финляндиянинг **«Гнедонантая»** газетаси, — тинчлик ишининг ғалабаси ва кескинликни юмшатишга қарши чиқувчи барча кучларнинг мағлубиятидир. Олимпиада ўйинларининг барча қатнашчилари ва аввало унинг ташкилотчилари — Совет Иттифоқи, унинг пойтахти Москва ва мамлакатнинг мусобақалар ўтказилган бошқа шаҳарлари шу муҳим ишга катта ҳисса қўшдилар.

Ташкилий ишлар жуда яхши йўлга қўйилганлиги, спорт иншоотларининг гўзаллиги ва самаралиги, журналистларнинг ишлаши, спортчиларнинг ўйинлари учун идеал шароитлар вужудга келтирилганлиги ҳаммани чиндан ҳам қойил қолдирди, деб ёзади Франциянинг **«Круа»** газетаси. Совет Иттифоқи дарҳақиқат спортни чинакам равнақ топтириш учун ҳамма шароитлар яратилган мамлакатдир, деб таъкидлайди газета.

Москва Олимпиадасини якунлаб, унда қўйилган ажойиб спорт рекордларига, кишилар ўртасидаги кўпдан-кўп учрашувларга, маданий тадбирларга баҳо бераётириб, мағлубиятга учраганларни ҳам эсламаслик мумкин эмас, деб ёзади Гарбий Германиянинг **«Тат»** ҳафтаномаси. Бунда ҳалол спорт кураши енгиб чиққанга ўрнини берганлар тўғрисида гап бораётган йўқ. Бу ерда гап Олимпиадага қарши сиёсат тарафдорларига қарши бошлаган суд жараёнини қатъиян қораламоқда. «Петрольюш» турк нефтчилари касаба союзининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Туркиянинг барча касаба союзлари ва демократик ташкилотлари ўз сафларига 600 минг ишчи ва хизматчини бирлаштириб турган конфедерация билан бирдам бўлишга даъват этилади.

● **ХИРОСИМА.** Бу ердаги тинчлик боғида Америка Хиросимани атом билан бомбардимон қилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан расмий маросим бўлиб ўтди.

Муниципалитет уюштирган маросимда атом бомбардимонидан халок бўлганлар сони кейинги йил ичида яна 2279 кишига кўпайганлиги хабар қилинди.

Хиросима ҳокими Такэси Араки «тинчлик декларацияси»ни ўқиб берди.

(ТАСС).

БОСМАЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГА

ҚОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг ҳамма жойида халқ ҳукуматини ва Афғонистон Халқ Демократик партияси ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, аҳолининг митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Фарах шаҳри (Фарах вилоятининг маркази)да бўлиб ўтган митингда ишчи ва деҳқонларнинг вакиллари, ўқитувчилар, руҳонийлар иштирок этдилар. Вилоятнинг қишлоқларида ўзини-ўзи мудофаа қилувчи отрядларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қундуз шаҳридан олинаётган хабарларга кўра, ватанпарварлик кайфиятидаги меҳнаткашлардан тузилган ўзини-ўзи мудофаа қилувчи отрядлар чет элдан АДРга суқулиб кираётган террорчи шайкаларни тугатишда халқ армияси билан полицияга каттагина ёрдам бермоқдалар. Ана шу отрядлар ўтказган операциялар натижасида мамлакат шу районидаги қишлоқ ва шаҳарларидаги ҳаёт нормал изга тушмоқда.

Мамлакат марказидаги Парвон аҳолисини террор қилган шайкани тор-мор қилишда маҳаллий ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларининг жангчилари актив иштирок этдилар.

Бутун афғон халқи, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги, #босмачиларга қарши курашга отланмоқда. Афғон халқи империализмнинг ва региондаги реакциянинг садақаларини ўт қўйиш ва одамларни ўлдириш билан оқлаётган манфур босмачилардан ҳалос бўлишга азму қарор берган.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

АДАН, 7 август. (ТАСС). ЯХДРда СССРнинг техникавий кўмаги билан 50 дан кўпроқ турли халқ хўжалик объектлари барпо этилмоқда. Ал-Муқаллада яқинда ишга туширилган балиқ консерва заводи, Адан яқинида қурилаётган 50 мегават қувватли иссиқлик электр станцияси, демократик Яман пойтахтидаги балиқ порти, шаҳс Исмондаги госпитал, ҳунар-техника таълими мактаблари, машина-ремонт станциялари ижкала мамлакатдаги ўртасида самарали ҳамкорликнинг намунаси бўлиб хизмат қила олади. Адан халқаро аэропорти Совет Иттифоқининг ёрдами билан қайта қурилмоқда.

СССР саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, энергетика, маориф системасини ривожлантиришда ва бошқа кўпгина соҳаларда ЯХДРга кўмак бермоқда.


ФАШИЗМГА ЙЎЛ ЙЎҚ

РИМ, 6 август. (ТАСС). Бугун Болоньяда янги фашистлар мудҳиш жиноятларининг қурбони бўлган кишиларни дафн этиш маросими фашизмга қарши оммавий намойишга айланди. 2 август куни қора кўйлакчилар шаҳар вокзалини портлатганлиги натижасида 80 дан зиёд киши ҳалок бўлди, 200 га яқин киши оғир жароҳатланди.

Болоньяда дафн этиш маросимида неча юз минглаб итальянлар — қаршилик кўрсатиш ҳаракати ветеранлари, энг йирик касаба союз марказларининг активлари, таниқли жамоат арбоблари, ишчилар ва студентлар қатнашдилар. Мотам маросимида Италия республикасининг президенти А. Пертини, парламентдаги барча сиёсий партияларнинг делегациялари, шу жумладан Италия Компартиясининг Бош секретари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Компартия делегацияси иштирок қилди.

Бугун дафн этиш маросими муносабати билан Италияда миллий мотам эълон қилинди — давлат муассасалари ва муниципал ҳокимият органлари биноларидаги байроқлар эгиб қўйилди, почта ва телеграф ишламаяпти, магазинлар ёпилган, кечки спектакллар ва кино сеанслар бекор қилинган. Эмилия-Романья областининг меҳнаткашлари бугун янги фашистларнинг террорига қарши норозилик билдириб, тўрт соатлик забастовка ўтказдилар. Болонья шу областнинг маъмурий марказидир.

Мотам митингида сўзга чиққан Болонья мэри, коммунист Р. Дзангери бундай деди: Италия меҳнаткашларини ҳеч ким чўчита олмайди. Биз, террорга жавобан сафларимиз бирлигини мустаҳкамлаймиз ва Италиядаги республика тузумини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз.



ТОЖИКИСТОН ССР. Турсунзода шаҳридаги Тожикистон алюминий заводи электролиз цехининг навбатдаги корпуси ишга тушди. Бу билан металл ишлаб чиқариш ҳажми икки процентга ортади, унинг сифати яхшиланади. Суратда: янги электролиз корпусида Н. Кузнецов ва Р. Нетелев фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

МУРМАНСК

Мурманскдаги локомотив депосининг барча электровоз машиналари вазн нормаси икки баравар ошадиган поездларни ҳайдашни ўзлаштирдилар. Улар шу туфайли электр энергия тежаш юзасидан йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Фоят оғир поездларни ҳайдаш ҳисобига йил охиригача яна 150 минг киловатт электр энергияни тежаш мўлжалланган.

ИРКУТСК

Бу ерда М. Горький номли Тошкент академик рус драма театрининг ёзги гастроллари Ю. Бондаревнинг «Қирғоқ» ва А. Хейлининг «Аэропорт» романлари асосидаги спектакллар билан бошланди. Иркутсклик томошабинлар билан илк бор учрашаётган серқуёш ўлканинг артистлари рус, совет ва чет эл авторларининг асарлари асосида яратилган ўн еттита энг яхши спектаклини келтирдилар. Тошкент театр ва рассомчилик институтини битириб чиққан дипломантларнинг илк режиссёрлик спектакллари ҳам гастроль репертуарига киритилган.

СУВОРОВО

(Молдавия ССР). 1200 гектардан кўп ерни суғоришга мўлжалланган янги мелиоратив система Молдавиянинг Суворов районида ишлай бошлади. Ўн бешта хўжаликда барпо этилган ҳовузларни ёққан ёмғирлар тўлдирди. Бу ҳовузларнинг суви маккажўхори, сабзавот, озуқа экин майдонларига берилди. Қурғоқчил бужак даштининг шу районида салкам 12 минг гектар ер ҳовуз суви билан суғорилмоқда. Бу сувни «Фрегат», «Сигма», «Днепр» суғориш установкалари далаларга етказиб бермоқда.

МИНСК

Белоруссияда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни саноат негизига ўтказилмоқда. «Демехи» совхозида новосларни сўкимга боқадиган яна бир йирик комплекс лойиҳадаги қувватига чиқазилди. Ҳозир республикада 110 тадан кўпроқ гўшт ва сут «фабрикаси» ишлаб турибди. Жами гўшт ва сут маҳсулотининг учдан бир қисмидан кўпроғини ана шу фабрикалар етказиб бермоқда.

РИГА

Латвиянинг Талси шаҳрида кўҳна қишлоқ хўжалик техникаси музейи очилди. Экспозиция ёш советлар мамлакати ўрнатган кенг халқаро савдо алоқаларини тўғрисида ҳикоя қилади, совет қишлоқ хўжалик машинасозлигининг қарор топиш босқичларини акс эттиради. Экспонатлар орасида «Форзонд» трактори ва ноёб локомобиль, ўтган аср молотилкалари бор. Кинематографиячилар коллекцияга юксак баҳо бердилар. Улар Латвияда совет ҳокимияти қайта тикланганлигининг 40 йиллигига бағишланган фильмларни суратга олган чоғда ана шу коллекциядан фойдаландилар.

КРАСНОДАР


Бугун Кубань элеваторларига етказиб берилган буғдойнинг 90 процентидан кўпроғига энг юқори сифатли деб баҳо берилади. Ўлкадаги колхоз ва совхозлар бундай натижаларга биринчи марта эришдилар. Кубань деҳқонлари ҳозиргача давлатга 2,5 миллион тоннадан зиёд ғалла сотдилар. Бу ғалланинг 2.250 минг тоннаси кучли ва қимматли буғдойдир. Механизациялаштирилган хирмонларда ғалла тозалаш техникаси кечаю-кундуз ишлаб турибди. Агрономия бўлимлари ва ғаллачилар ғалланы тозалаш устидан қаттиқ назорат ўрнатишган.

ТБИЛИСИ

Грузияда картошка ва эртаги полиз маҳсулотларини йиғиштириб олинганидан кейин бўшаб қолган майдонларга такрорий сабзавот экишга киришилди. Қишлоқ хўжалик конвейери кеч кузгача иккинчи марта ҳосил беради. Республикада тўрт минг гектардан кўпроқ майдонга такрорий экинлар экилади. Деҳқонлар қўшимча равишда 60 минг тонна сабзавот йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

(ТАСС).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ҚОЗОҒИСТОН ССР. «Тепло энергомонтаж» трести бошқармасининг Харьков монтаж қилиш ва созлаш бригадаси аъзолари Павлодар области даги 1-Экибастуз ГРЭСи иккинчи энергоблокини тайёр лашни графикдан ўзган ҳолда олиб бормоқдалар. Улар қуввати 500 минг киловатт бўлган турбина ва генераторларни монтаж қилишади. Суратда: ГРЭС монтажчи лари иккинчи энергоблок ротори олдида.

ТЕЛЕТАЙП ЁНИДА 24 соат

● **СОФИЯ.** Совет Иттифоқининг лойиҳалари асосида ҳажми 5 минг тонна келадиган «Каспий» типидаги танкерларни қуриш Бургас шаҳридаги И. Бояжиев номли кемасозлик заводи тарихида янги саҳифа очади. Совет Иттифоқининг «Судоимпорт» ташқи савдо бирлашмаси буюртмаси асосида биринчи шундай танкер қурилмоқда.

● **ПАРИЖ.** Франция Коммунистик партияси делегацияси Исроилнинг Париждаги элчихонасига баёнот топширди. Бу баёнотда Исроил армияси одилона кураш олиб бораётган Фаластин ватанпарварларига қарши террор қилаётганлиги муносабати билан норозилик изҳор этилади.

Француз коммунистлари Исроилнинг Иордан дарёси ғарбий соҳили ва Ғазо секторидаги босиб олинган араб территорияларидаги авантюристик сиёсатини қатъий қоралайдилар.

● **АНҚАРА.** Туркия жамоатчилиги маъмурлар мамлакатлар ишчилар синфи манфаатларининг синалган ҳимоячиси бўлган Туркия революцион ишчилар касаба союзлари конфедерациясининг раҳбарларини ўлдиришга қаратилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди.

Ўтган ҳафта Туркиянинг Денизли шаҳрида ва Зонгулдак вилоятида ишчилар синфининг иккита раҳбари ўлдирилди.

ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ҲАЁТИДАН

СЕНТЯБРЬ ЯҚИН

Кафтдек текис йўл. Унинг икки четидаги кенг пахтазор уфққа туташиб кетгандек. Меҳнат симфонияси янграётган бу майдонлар бенхтиёр киши диққатини тортади. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач — пешин вақти Бекобод педагогика билим юртига етиб келдик. Бизни билим юрти директори Озода Оллаёровна қарши олди. Янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан қизиқдик.

— Маълумки бу йил педагогик коллективимиз янги ўқув йилига муддатидан аввал ва намунали тайёргарлик кўрди, — деди директор, шунинг учун ҳам республикамиздаги педагогика ўқув юртлари ичида биринчилар қаторида рапорт бердик. 470 ўринли ўқув корпуси, 200 ўринли ётоқхона, 80 ўринли ошхона, 30 ўринли ўқув зали янги ўқув йилига барвақт шай қилиб қўйилди. Бу ишда 10-механизациялашган кўчма колонна ишчилари яқиндан ёрдам беришди. Улар бинони оқлаш, бўяш, пардозлаш ишлари, иситиш батареяларини ремонт қилиб 3.200 сўм ҳажмда иш бажардилар. Бундан ташқари, қизларимиз учун кир ювиш, дазмоллаш хоналари ҳамда спорт ўйинлари учун волейбол, қўл тўпи майдончалари ташкил этилди ва музика, расм, меҳнат таълими ва кўшимча рус тили кабинети ташкил қилинди, ўқув зали 70 кишилликка кенгайтирилди. Ўқувчилар кучи билан янги ўқув йили учун бешта стенд, 150 та методик қўлланма тайёрланади. Кабинетлар учун 1 минг 500 сўмлик лингафон, эпидаскоп, фильмоскоп, кадоскоп, 5 та тикув машинаси ва диафильмлар олинди. Социалистик мажбуриятда белгиланган металломни ортиғи билан 10 тоннадан зиёд қилиб топширдик. Билим юрти атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида 1000 туп мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқаздик, ёшларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳам доимий ғамхўрлик қилаяпмиз. Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида 100 ўринли спорт-соғломлаштириш лагери ташкил этганмиз. Ҳозир у ерда 100 ўқувчи кўнгилли ҳордиқ чиқармоқда.


Билим юртимизни тугатган 227 ўқувчи қиз Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд областларига йўлланма олишди. Ҳозир эса билим масканида қабул имтиҳонлари қизғин бошланди. Шундан кейин директор бизни қабул комиссияси томон бошлади. Қабул ишлари билан таништик. Бизга қабул комиссиясининг масъул секретари В. Н. Мирошниченко шундай ҳикоя қилди:


— Бу йил, — деди у, — 270 ўқувчи қабул қиламиз. Янги ўқув йилида меҳнат таълими ўқитувчиси деган янги бўлим очилади. Педагогик коллективимиз ҳар йилгидек бу йил ҳам қабул ишларига пухта тайёргарлик кўришди. Бунинг учун ўқитувчилар С. Уринбоев, И. Когай, Т. Ашуров, Ғ. Султонов, К. Нормatовлар Пискент, Оққўрғон районларидаги мактабларда бўлишиб, касб танлаш ишлари, билим юрти ёшларининг жўшқин ҳаёти ҳақида гапириб беришди. Очиқ эшиклар куни ўтказилди.

— Бир неча йилдирки, — сўзида давом этди яна директор, — билим юртимизда 150 ўқувчидан иборат студент қурилиш отряди фаолият кўрсатмоқда. 30 ўқувчидан иборат комсомол ёшларимиз билим юртининг ўқув корпуси, ётоқхона ва ошхонани ремонт қилишда фаоллик кўрсатишди, 100 дан ортиқ ўқувчидан иборат «Педагог» отряди аъзолари Бўка, Пискент, Оққўрғон, Бекобод районларидаги Чайка, Спутник, Восток каби пионер лагерларида тарбиячи ва пионервожатийлик қилмоқдалар. Лагерлардаги пионер ва ўқувчилар лагерь коллективи ва совхоз раҳбарлари комсомолларнинг ёрдамидан бениҳоя хурсанд. Булардан ташқари ҳар йили ўқувчиларимиз «Октябрь 50 йиллиги» совхозида бўлишиб ишчиларга олма, узум теришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Билим юртининг «Наргиз» ансамбли қатнашчилари ишчилар, пионер лагерларидаги ўқувчилар ҳузурида бўлишиб, ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан уларни хушнуд этишмоқда.


Хуллас, педагогик коллективимиз КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ўзининг улкан меҳнат ютуқлари билан кутиб олади ва янги ўқув йилини очиқ юз билан бошлайди.

З. ШОКИРОВА.





Пойтахтдаги «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғидаги кўл ҳамиша дам олувчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда эшкакли қайиқларда сайр қилиш кишига ажиб бир завқ-шавқ бахш этади. И. Глауберзон фотоси.



Кўҳна шаҳар Бухоро ўзининг такрорланмас архитектура ёдгорликлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ёдгорликлар ҳамиша чет эллик туристларда катта қизиқиш уйғотади. Суратларда: туристлар Бухоро Арки — шаҳар ўлкашунослик музейида; Чорминор минораси. В. Таран фотолари.

ҚУВНОҚ БОЛАЛАР

Атрофда анвойи гуллар чаман-чаман. Соя-салқин боғ байрам либосида. Қувноқ болаларнинг шўх кулгилари, мусика садолари дилга хушнудлик бахш этади. Уларнинг шодиёнасига қўшилгинг келади. Эгниларига оппоқ халат кийган шифокорлар, мураббийларнинг ҳам қувончлари чексиз. Ахир қўлларига келган нимжонгина болаларни бир ой давомида яхши парвариш қилишди, мурғак танларини чиниқтиришди. Мана, бугун ўша болалар тўлишган, юзларига қизиллик югурган. Оз фурсат ичида қўшиқ, рақс ҳам ўрганишибди.

Боққа киравериш да эса жажжи қўллар билан ясалган турли ўйинчоқлар, чизилган суратлар кўргазмага қўйилганди. Уларни кўриб кўз қувнайди. Ўргатган мураббийларига тасанно, раҳмат, дегинг келади. Нариюқда кенг даврa, группаларга бўлинган болалар навбати билан қўшиқ, рақс, ижро этиб, ўтирганларни хушнуд этишади. Улар хайрлашув даврасини ўтказишарди.

Ана, даврага 4-группа болалари чиқишди. Уларнинг музика раҳбари Иван Егорович Расаев куй чалиши билан болалар «Биз Ильич набиралариміз» қўшиғини бошлаб юборишди. Болаларнинг жарангли овози узоқ-узоқларга таралар, фарзандларнинг шодон, бахтиёрлигидан ҳаяжонланган ота-оналар қалбларини эса беихтиёр миннатдорчилик туйғулари қамраб олганди. Ахир, қаерда мавжуд бундай ғамхўрлик. Ўғил-қизингни бепул, беминнат шундай хушманзара жойда даволаса, меҳрла парвариш қилса!

Қувноқларнинг чиқишлари давом этар, Комил билан Бек шўх рақсга тушар, улардан кейин Рустам жарангли овоз билан шеър ўқир эди.

Санаторийнинг бош тарбиячиси Тамара опа Бегижонова қора кўзойнак таққан Иван Егорович ҳақида мамнун сўзлади:

— Иван тоғамиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ўша лаҳати жангдан иккала кўзи ожиз бўлиб қайтган. Бўлмаса фронтга кетаётганда заводнинг илғор мастери эди. Иродаси мустаҳкам экан. Қўлига соз олиб, ўзига янги касб кашф этди. Болаларга шўхчан қўшиқлари ёқади, ҳар группадаги болаларнинг ёшига муносиб қўшиқ, рақс куйини чалади. Ўттиз йилдирки, у санаторийимизда музика ўқитувчиси. Қанча-қанча болаларнинг музика, қўшиққа ҳавасини, ихлосини ошириб келяпти.

Бу орада катта группа (7—10 ёшгача) болалари даврага кириб келишди. Баянчи ёнида микрофон тутган ўн ёшли Дилфуза программани олиб борарди. Бу группанинг биринчи хор қўшиғи «Олимпиада-80»га бағишланганди. Ашула кетидан рақс. Оксана билан Донирёз шўх лапар айтди, қолганлар уларга жўр бўлишди. Қўлларига гул ушлаган қизалоқлар «Баҳор вальсини» ижро этишди.

Қувноқларнинг абжирлиги, ҳамма программани адашмай гўзал ижро этишаётганидан хурсанд бўлган Тамара опа:

— Бу группанинг тарбиячиси Лариса Шишкина тажрибали мураббийларимиздан. У ҳамма вақт пухта тайёргарлик кўради. Болалар ҳам опаларини тезда севиб қолишади, — дейди.

Санаторийнинг ҳамма мураббийлари ҳам ўз касбига ихлос қўйган, болаларни севганлиги кўриниб турибди. Бир ой мириқиб она бағридагидай яйраб дам олган ўғил-қизчалар тарбиячиларига раҳматлар айтишди. Хайрлашув сўнгида бош тарбиячи совғалар келтирди. Ўғил болаларга пластилин, қизларга бўлса кўғирчоқ ва ҳар хил ўйинчоқлар тарқатилди.

— Бу сафар 138 болани кузатяпмиз, — сўз бошлайди санаторийнинг бош врачи А. Мирахимов. — Негаки, ёзнинг иссиқ кунларида талаб жуда катта бўлди. Аслида ҳар мавсумда 100 болани даволамиз. Уларни чиниқтириш учун бизда ҳамма имконият бор. Физкабинетлар, дори-дармонлар, тоза ҳаво, яхши шароит, калорияли таомлар. Шу шароитлардан фойдаланишсин, соғлом бўлиб қайтишсин, деймиз.

Соя-салқин боғ аллеясидан қайтар эканмиз, юқорида «Хуш келибсиз, азиз болалар!» сўзларини ёзилганди. Бугун қанот қоқиб кетаётган болалар ўрнига эртага шу дарвозадан янги фарзандлар келишади. Оромгоҳда яна уларнинг шўх кулгилари, қувноқ қўшиқлари янграйди.

Ф. УСМОНОВА.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида мамлакатимизда КПСС XXV съезди қарорларига, СССР Конституциясининг қоидаларига мувофиқ равишда социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш изчиллик билан амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, қарорда жиноятчиликка қарши муросасиз кураш олиб бориш учун меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот бўлимларининг кенг пропаганда қилиш юзасидан конкрет вазифалар белгилаб берилган. Яқинда Бўстонлиқ район партия комитети, область китобсеварлар жамияти, область ички ишлар бошқармаси Ғазалкент шаҳрида ўтказган илмий-амалий конференция ана шу масалага бағишланди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон ССР Юстиция министри М. С. Восикова, Тошкент область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Ж. Ж. Жамолов, область китобсеварлар жамияти раисининг ўринбосари К. С. Қамбарова ўртоқларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган докладларини тингладилар.

Шу билан бирга ҳуқуқшуносликни тарғибот қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ҳуқуқий адабиётларнинг роли, қонун ва тартиботни мустаҳкамлашда юридик органларнинг вазифаларига ҳақидаги масалалар бўйича ҳам фикр ва мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Конференцияда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни кенг оммa орасида пропаганда қилиш юзасидан тавсияномалар қабул қилинди.

Илмий-амалий конференция ишида Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хайдуров иштирок этди.

Р. ШОДИЕВ,
область ички ишлар бошқармаси снёсий-тарбиявий ишлар бўлимининг инструктори.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



ИМТИҲОНЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПОЙТАХТ олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари қизғин давом этмоқда. Республикамизда билим масканларининг бешиги бўлган Тошкент Давлат Университетида ҳам имтиҳонлар муваффақиятли ўтмоқда.

Бу йил бир қатор олий ўқув юртларида электрон ҳисоблаш машиналари имтиҳон олиш пайтида ўқитувчиларга яқиндан кўмакдош бўляпти.

— Бошқа олий ўқув юртлари каби университетимизнинг гуманитар фанлари бўйича абитуриентлардан имтиҳон олаётган ўқитувчиларимиз ЭХМ дан фойдаланмоқдалар, — деди қабул комиссияси секретарининг муовини ўртоқ М. Орипов, — қатор факультетлар рус ва ўзбек филологияси, шарқ, тарих, журналистика, роман-герман факультетларига 560 студент қабул қилинади. Улар бугунгача икки фандан имтиҳон топширдилар, ўқувчиларнинг аксарияти яхши ва аъло баҳо олдилар.

Суратда: филология факультетида имтиҳон олиш пайти.

А. Абалян фотоси.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

4-БЕКОБОД ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3 йиллик группаларга:

сигирларни боқиш ва парвариш қилиш билан шуғулланувчи сутчилик фермаларининг операторлари, чорвачилик фермаси учун механизаторлар ва электр монтёрлар, сут соғиш машиналари бўйича мастерлар ва моллarни парвариш қилиш бўйича операторлар, озуқа тайёрлаш ва тарқатиш бўйича операторлар, кичик ветеринария фельдшерлари, слесарь-сантехниклар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар (3 класс шофёрлик ихтисоси билан), **ошпазлар.**

БУ КУРСЛАРГА 8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. Чорвачилик фермалари механизаторлари ва кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар группасининг ўқувчилари касбга қўшимча равишда 3 класс шофёрлик гувоҳномасини оладилар.

БУНДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ БЎЛГАН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРГА ҲАМ ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Сут соғиш машиналари бўйича мастерлар, 3 класс тракторчи-машинистлар, 86 сўм стипендия берилади (ўрта маълумотлилар ва Совет Армиясидан қайтганларга), **3 класс шофёрлар ва автослесарлар, ўрмон хўжалиги механизаторлари,** 86 сўм стипендия берилади (ўрта маълумотлилар ва Совет Армиясидан қайтганлар), **ўрмончунослар, кичик ветеринария фельдшерлари, машинисткалар** (қизлар), **насос қурилмаларининг машинистлари** (ўқиш муддати 6 ой) 86 сўм стипендия берилади. (Ўрта маълумотли, Совет Армиясидан қайтганлар), **пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари** (ўқиш муддати 6 ой).

БУ КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН 18 ЁШДАН ЮҚОРИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга кирганлар 10—20 сўм стипендия, ётоқхона, 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар. 3 йиллик группадаги ўқувчилар 21 ёшгача ҳарбий хизматга чақирилмайдилар. 3 йиллик курсларни битирганлар ҳунар-касб гувоҳномаси билан биргаликда ўрта маълумот ва ҳунар-техника билим юртини тугатганлари ҳақида диплом оладилар. Билим юртини «аъло» баҳо билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда катта имтиёзлар берилади. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Аризалар 25 августгача қабул қилинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар директор номига ариза, 3х4 см ҳажмида фотосурат, туғилганлик ва маълумоти ҳақида гувоҳноманинг асл нусхасини ва 286-формадаги медицина справкасини топширадилар.

Адрес: Бекобод шаҳар, Киров посёлкаси, ССПТУ-4.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёшлар ижоди. 10.35 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Концерт. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг концерти. 16.40 — Москва ва москвaликлар. 17.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.40 — Поэзия. 18.20 — Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади. 18.40 — Киевлик мактаб ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон мутлақ чемпиони И. Дерюгина билан учрашув. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мен буни қотиллик деб атайман. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Санъат усталарининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

11.30 — Болалар учун фильм-балет. 12.10 — Ленин қадамжолари бўйлаб. 12.30— Замандас. 13.20 — Спектакль. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Совет кишисига аъло хизмат кўрсатайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45— Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Стартда — Ўзбекистон ёшлари.

ЧОТҚОЛ БАҒРИДА

«Сўқоқ» дам олиш уйи областимизнинг энг хушманзара Чотқол тог тизмалари ёнбағрига жойлашган. Бу ерда меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Дам олувчиларга зарур бўлган ҳамма маданий ва маиший қулайликлар яратилган. Айниқса, оромгоҳнинг кўкаламзорлиги, ҳамиша озода ва саранжом-сариштa эканлиги киши кўнглини қувнатади. Бу ишларни амалга оширишда боғбон А. Тиллабоев ва фаррош Х. Хамидоваларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ерда ҳар куни турли мазали таомлар тайёрлаб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётган ошпазлар ҳам хизмат қилишади. М. Абилязова, Х. Назаров, В. Нигматуллин, официантлардан С. Умарова, Х. Аҳмедова ва У. Исматуллаевалар ана шундай кишилардандир.

Дам олиш уйида булардан ташқари бир қатор амалий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. Жумладан, тез-тез уюштириб турилувчи туристик юришлар ва экскурсиялар, турли мавзуларга бағишланган лекция ва суҳбатлар, шунингдек, ҳар оқшом намойиш этилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳам кишиларга эстетик завқ бағишламоқда.

Ғ. ТОШМУҲАМЕДОВ,
О. ҲУЖАМУҲАМЕДОВА.

ЯНГИ ЖАНРГА ЎТИБ

Ёш кинорежиссёр Нозим Тўлахўжаев санъат оламига кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ана шу қисқа муддат ичида у ёш томошабинлар орасида кўплаб мухлислар орттирди.

Томошабинлар уни дастлаб экранда киноактёр сифатида танидилар. «Севги ва газаб», «Эҳтиёт бўл, илонлар», «Менинг акам» фильмларида у қатор образларни яратди. Энди Н. Тўлахўжаев ўз кучини қўғирчоқ фильмлар яратишда синаб кўрмоқда.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Ҳозир кинорежиссёр «Олма ҳақида афсона» деб номланувчи янги қўғирчоқ кинофильми устида иш олиб бормоқда.

УЧ КЎРГАЗМА

Кейинги йилларда ёш ижодкорлар фаолиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ижодий учрашувлар ва семинарлар, ёш рассомлар кўргазмалари, баҳслар бу соҳада кўрсатилаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Шу кунларда республика Рассомлар союзининг кўргазма заллари яна ёшлар ихтиёрида. Бу ерда серқуёш Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларида яшаб, ижод қилаётган рассомлар ўз асарларини намойиш қилмоқдалар. Санъат мухлислари эътиборига уларнинг 700 га яқин асарлари ҳавола этилган. Бу ёш рассомларнинг учинчи кўргазмасидир. Кўргазмада тасвирий санъатнинг турли жанрларида яратилган асарлар бор.

М. ЗАРИПОВ.

РУС ТИЛИГА МУҲАББАТ

Рус тили ва адабиётини мактабларда чуқур ўрганиш бўйича қилинган дастлабки кузатишлар яхши натижа берди. Тошкентдаги рус тили ва адабиёти республика мактаб-интернатида эса бу борада бой тажриба тўпланди.

Таълим-тарбия ўчоғида ўтказилаётган тўғарак ишлари бўйича олиб борилган кузатувлар умумлаштирилди. Бунда «Ёш тилшунос», «Билимдон клуби», «Қўғирчоқ театри», «Биз эртакларни севамиз» каби тўғарак машғулотларида ташкил этилган оғзаки нутқ ўстириш машқлари ҳам ҳисобга олинди.

Мактаб-интернатда янги йўлга қўйилган «Синфда», «Танаффусда», «Кутубхонада» сингари ситуатив машқлар ўқувчилар нутқини бойитиш билан бирга, уларни билим ўчоғи шароитига тезроқ кўниктириш имконини ҳам беради.

А. АЛИЕВ.

КОНКУРСГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси, область журналистлар ташкилоти, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакциялари ички ишлар органлари фаолиятини пропаганда қилувчи энг яхши газета мақоласи, лавҳа, очерк, радио эшиттириш ва телевидение кўрсатуви учун конкурс эълон қилади.

Конкурс муддати 1981 йил 1 февралгача бўлиб, унинг якунлари КПСС XXVI съезди очиладиган кунда эълон этилади. Конкурс ғолибларини тақдирлаш учун 9 та мукофот таъсис қилинди.

Ички ишлар органлари ва бўлинмаларининг ходимлари томонидан тайёрланиб матбуот, телевидение ва радиода эълон қилинган энг яхши мақола, лавҳа, очерк, радио эшиттириш ва телевидение кўрсатувларига:

биринчи ўрин учун — 100 сўм
иккинчи ўрин учун — 75 сўм
учинчи ўрин учун — 50 сўм

Матбуот, телевидение ва радио журналистлари томонидан эълон қилинган ҳамда тайёрланган мақола, лавҳа, очерк, радио эшиттириш ва телевидение кўрсатувларига:

биринчи ўрин учун битта — 100 сўм
иккинчи ўрин учун — ҳар бири — 75 сўмлик иккита.
учинчи ўрин учун ҳар бири — 50 сўмлик учта мукофот.

Бундан ташқари область журналистлар ташкилотининг рағбатлантирувчи фахрий ёрлиғи ҳам таъсис этилди.

Конкурс материаллари икки нусхада машинкада кўчиртирилган ҳолда газетада эълон қилинган ҳамда телевидение ва радио орқали кўрсатилган ва эшиттирилган материаллар билан бирга «конкурсга» деган белги остида Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси снёсий-тарбиявий ишлар бўлимига 1981 йил 1 февралигача юборилади.

ДОИМИЙ ИШГА

бухгалтер, корректор, склад мудири, тарбиячи, муҳовачилар ва уларга шогирдлар, созловчи-слесарь, автопогрузка ҳайдовчи, аккумуляторларни зарядловчилар, қоғоз қирқувчилар ва уларга шогирдлар, газ пайвандчи, стереотипёрлар ва уларга шогирдлар, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02126. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1663.